

2017 yil "30" ДЕКАБРЬ № 628

Farg'ona shahri

### Фаргона вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-І-сон) 28, 99-моддасига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 13 декабрдаги 1341-ІІІ-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги ПС-241-ІІІ-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги ЖК/20-01-34-11/400-сонли хати ва Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги V-XXVII/155-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган:

давлат даромадлари ва маҳаллий бюджет даромадлари режа кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши белгиланган харажатлар кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ;

шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ҳамда вилоятнинг вилоят бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари ҳамда мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорлари **3-иловага** мувофиқ;

шаҳарлар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари ва айти шу солиқлардан республика ҳамда вилоят бюджетига ажратмаларнинг меъёрлари **4-иловага** мувофиқ;

вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари жами харажатларининг 1 фоизи доирасида 2018 йил учун захира жамғармаси миқдорлари **5-иловага** мувофиқ;

вилоят бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорга мувофиқ 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тайёрлов ташкилотлари товар айланишидан ягона солиқ тўловини ўрнатилган ставка бўйича тўланиши;

фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадаллар миқдори оширилган ҳолда 2 фоиз миқдорида белгиланиб, жисмоний шахсларнинг бюджетга тўланадиган даромад солиғи миқдори фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлари миқдorigа камайтирилиши;

жами майдони 1 гектардан кўпроқ ер участкасига эга бўлган ягона солиқ тўловини тўловчилар учун ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олиб, ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибини бекор қилиш билан бир вақтда улар учун жами майдонга ер солиғини тўлаш жорий этилиши;

нотижорат ташкилотларига ягона солиқ тўловини микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган тартибда, ходимлар сонидан катъий назар уларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлари қисмидан тўлаш ҳуқуқи берилиши;

тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича бюджетнинг жами даромадлар прогнози ортиб боровчи яқун билан бажарилган тақдирда даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган суммасини қўйи бюджетдан юқори бюджетга олиб қўйиш тақиқланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб:

маҳаллийлаштириш дастурларига киритилган корхоналарга, шу жумладан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича берилган;

юридик шахсларнинг фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича экспорт улушига боғлиқ ҳолда экспортёр-корхоналарга тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинганлиги инобатга олинсин.

4. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича катъий белгиланган солиқ, жисмоний шахсларнинг мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, айрим турдаги товарларнинг чакана савдоси ҳуқуқи учун ҳамда айрим турдаги

хизматларни кўрсатиш ҳукуки учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар бўйича тушумлар тўла ҳажмда қолдирилиши белгилансин.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Х.Хабибиддинов), вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси (Ж.Жўраев), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Т.Қундузов) ҳамда бошқа тегишли бошқарма ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан тасдиқланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ солиш тартиби ва белгиланган ставкаларга қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

6. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган таълим ва тиббиёт муассасаларини иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари 2018 йил 1 январдан республика ва вилоят бюджетларидан мақсадли ижтимоий трансфертлар шаклида қопланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин. Бунда, маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини кенгайтириш ажратилиши белгиланган мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорини камайишига таъсир кўрсатмаслиги инобатга олинсин.

7. Вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев)га маҳаллий бюджетларга бюджетдан мақсадли ижтимоий трансферт ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, маҳаллий бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини (иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириб бориш ҳукуки берилсин.

8. Вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев)га бюджет қонунчилигида белгиланган муддатларда 2018 йилги бюджет параметрларини барча шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда тегишли бюджет ташкилотларига етказиш, шунингдек, умумдавлат солиқларидан республика ва маҳаллий бюджетларга 2018 йил учун ажратмалар миқдорларини вилоятдаги тегишли муассасаларга ва тижорат банкларига етказиш вазифаси топширилсин.

9. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Х.Хабибиддинов) маҳаллий бюджетларга белгиланган солиқ ва тушумларни йил давомида мунтазам равишда тўлақонли ҳамда бир маромда ундирилишини таъминласин ҳамда шаҳар ва туманлар бўйича мавжуд боқиманда қарзларни кескин камайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси (З.Рўзалиев) шаҳар ва туманлар ғазначилик бўлинмалари билан биргаликда давлат даромадларидан республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратмаларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилишини тизимли назоратга олинишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўловини ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаб борсин.

11. Вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Х.Хабибиддинов), вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс

ривожлантириш бош бошқармаси (Ж.Жўраев) барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли Фармонида кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколат ва мажбуриятлари, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш бўйича Тошкент шаҳридаги экспериментдан ўтган механизмни 2018 йилда республиканинг барча ҳудудларида қўлланилишини инобатга олиб, тегишли зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ю.Ибрагимов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Х.Хабибиддинов) ҳамда вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев) 2018 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиқлари қонун ҳужжатларига мос равишда кадастр баҳоси бўйича аниқлаштирилиши ва тўланишида жисмоний шахсларга солиқ юқини кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, 2017 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 1,2 баробардан кўпроққа оширилиши мумкин эмаслигини назарда тутсин.

13. Қуйидагилар бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, улар харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида ва мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма объектларини янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлашни таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш;

тегишли бюджетларнинг даромадларини шакллантириш қисмида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетга оид ваколатларини аниқ-пухта чегаралаш;

солиқлар ва йиғимларнинг баъзи турлари бўйича тушумларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида қолдириш ҳисобига уларнинг ўз даромад базасини кенгайтиришдаги фаолиятини кучайтириш;

йирик солиқ тўловчилардан тушадиган баъзи солиқ турлари бўйича тушумларни республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаш;

туманлар ва шаҳарларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш учун жойлардаги давлат ҳокимияти органларига маҳаллий солиқларнинг айрим турлари бўйича ставкаларни пасайтириш ва кўпайтириш ваколатларини бериш;

ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш бўйича харажатларни ва кўзда тутилмаган сарф-харажатларни молиялаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустақиллигини ошириш.

14. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўзларининг бюджетга оид ваколатларига қиравчи даромадларнинг тўлиқлигини ва харажатлар ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

Шу билан бирга, халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашлари билан келишилган ҳолда минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирилувчи ва оширилувчи коэффицентлар ўрнатиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб кўйилсинки, тўртинчи гуруҳ бўйича харажатлар сметасини ижро этиш жараёнида ҳудудий молия органлари томонидан оптималлаштирилган бюджет маблағлари тегишли равишда туман ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини кўпайтиришга йўналтирилиши ҳамда ўрнатилган тартибда фойдаланилади.

15. Барча шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига:

давлат солиқ инспекциялари, молия ва банк идораларининг барча имкониятларини бюджетнинг даромадлар қисми прогноз кўрсаткичларининг барча манбаалар бўйича тўлақонли бажарилишини таъминлашга сафарбар қилиш;

шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари билан тасдиқланган захира жамғармаси маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини сифатли ижро этилиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини қаттиқ назорат қилиш, бунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет ижросига оид қарорлари ва фармойишлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

16. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

Вилоят бюджетидан 2017 йил давомида молиялаштириб келинган хўжаликлараро қишлоқ автомобил йўллари ҳамда шаҳарлар, туманлар марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчаларини жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари 2018 йилдан тегишли шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 71-моддасига асосан 2018 йил 1 январга қадар Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштириб келинган Қўқон шаҳар Болалар уйи, Наркология диспансери, Марғилон шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштириб келинган Марғилон шаҳар Силга қарши курашиш диспансери, Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштириб келинган Фарғона шаҳар Болалар уйини сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2018 йил 1 январдан бошлаб вилоят маҳаллий бюджетидан молиялаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарорига асосан Қўқон маданияти тарихи давлат музейи ҳамда унинг 5 та филиаллари вилоят маҳаллий бюджетидан молиялаштирилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

17. Вилоят молия бош бошқармаси (С.Жўраев), Ғазначилик бошқармаси (З.Рўзалиев), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Т.Қундузов) билан биргаликда 2018 йилнинг январь ойида Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2017 йилдаги ижроси бўйича қонунчиликда ўрнатилган тартибда якуний операцияларни ўтказсинлар ва мазкур операцияларни Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда акс эттирилишини таъминласинлар.

18. Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати бошлиғи (А.Мадалимов) вилоят адлия бошқармаси (И.Турғунов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори билан 2018 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларининг ўз кучини йўқотганлиги, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан вилоят ҳокимининг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсинлар.

19. Фарғона вилоят маҳаллий бюджетининг 2017 йилги кутилаётган ижроси даромадлари ва молия йили давомида киритилган ўзгартиришлар билан бирга харажатларининг аниқлаштирилган режаси **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

20. Вилоят телерадиокомпанияси (Мамарасулов), “Фарғона ҳақиқати” газетаси (Тешабоев), “Ферганская правда” газетаси (Саидганиева), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” ДУК (Махмудов) мазкур қарорни расман эълон қилиш ва мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

21. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

22. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ш. Ғаниев

2018 ЙИЛ УЧУН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА  
БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

		минг сўм	
Т/р	Даромад турлари	Контингент (Давлат даромадлари)	Маҳаллий бюджет даромадлари
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	69 655 824	59 207 450
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	111 884 000	111 884 000
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	132 105 186	132 105 186
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	342 968 243	342 968 243
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	102 779 909	102 779 909
6	Қўшилган қиймат солиғи	887 088 740	186 288 635
7	Акциз солиғи, жами	57 807 773	57 807 773
	шу жумладан:		
	- ароқ	22 500 000	22 500 000
	- коньяк	0	0
	- табиий вино	0	0
	- бошқа винолар	1 864 246	1 864 246
	- шампан, газли ва вижиллаб турадиган винолар	0	0
	- этил спирти	25 400 000	25 400 000
	- пиво	0	0
	- тамаки маҳсулотлари	0	0
	- дизел ёқилғиси	0	0
	- суюлтирилган газ	0	0
	- табиий газ	0	0
	- "Дженерал Моторс Узбекистан" ЁАЖ автомобиллари	0	0
	- ўсимлик (пахта) ёғи	8 043 527	8 043 527
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	55 594 826	55 594 826
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	58 966 875	58 966 875
10	Юридик шахслар ер солиғи	39 800 000	39 800 000
12	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	68 058 366	68 058 366
11	Ягона ер солиғи	27 012 698	27 012 698
12	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0	0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	9 350 222	9 350 222
14	Қўшимча фойда солиғи	0	0
15	Давлат божи	63 602 813	63 602 813
16	Жарималар	56 304 000	56 304 000
17	ЎзР ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўндириладиган йиғимлар	29 103 173	29 103 173
18	Бозорлар даромадидан тушум	20 423 746	20 423 746
19	Маҳаллий йиғимлар	6 325 000	6 325 000
20	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	128 896 481	128 896 481
21	Бошқа тушумлар	31 500 000	31 500 000
<b>ЖАМИ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР</b>		<b>2 299 227 875</b>	<b>1 587 979 396</b>
Ижтимоий соҳа учун трансфертлар			<b>1 033 287 055</b>
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>			<b>2 621 266 451</b>

**Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг  
 2018 йилга тасдиқланган харажатлари**

минг сўм

Кўрсаткичлар	Миқдори
<b>I. Харажатлар - жами</b>	<b>2 621 266 451</b>
<b>1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами</b>	<b>2 290 483 177</b>
<i>шу жумладан:</i>	
1.1 Маориф	1 339 110 914
- умумий таълим	1 338 842 997
иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	1 236 039 285
- кадрлар тайёрлаш	267 917
1.2 Соғлиқни сақлаш	756 804 209
иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	622 852 465
1.3 Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	55 075 508
- маданият ва оммавий ахборот воситалари	17 295 016
- спорт	37 780 492
1.4 Фан	1 651 973
1.5 Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	135 627 840
1.6 Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	
1.6 Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	8 612
1.7 Ижтимоий кўникма марказлари	1 318 149
1.8 Иситиш қозонхоналари ва иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	885 972
<b>2. Иқтисодиётга харажатлар</b>	<b>133 159 097</b>
<i>шу жумладан:</i>	
2.1 Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	9 708 384
2.2 Ободонлаштириш	97 752 598
2.3 Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	4 939 045
2.4 Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	3 075 545
2.5 "Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	12 963 325
2.6 Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	4 720 200
<b>3. Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар</b>	<b>49 954 100</b>
<b>4. Давлат бошқарув органларини сақлаш</b>	<b>48 972 658</b>
<i>шу жумладан:</i>	
4.1 Давлат бошқарув идоралари	48 972 658
<b>5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш</b>	<b>69 512 662</b>
<b>6. Заҳира жамғармаси</b>	<b>25 953 100</b>
<b>7. Бошқа харажатлар</b>	<b>3 231 657</b>
<i>шу жумладан:</i>	
7.1 Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	2 008 642
7.2 Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	1 223 015

**Маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадлар**

<b>Ижтимоий соҳа учун трансфертлар - жами</b>	<b>1 033 287 055,0</b>
<i>шу жумладан:</i>	
- таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови	588 051 957,0
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови	445 235 098,0
<b>Айланма касса маблағи меъёри</b>	<b>21 922 200</b>



Вилоят ҳокимининг  
 "\_\_\_" \_\_\_ 2017 йилдаги  
 \_\_\_ - сонли қарорига  
 \_\_\_-илова

**Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ҳамда вилоятнинг вилоят бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари ҳамда мақсадли ижтимоий трансфертлар  
 МИҚДОРЛАРИ**

<i>млн сўм</i>				
№	Шаҳар ва туманлар номи	Даромадлар	Харажатлар	Мақсадли ижтимоий Трансферт*
1	Фарғона шаҳар	48 644,0	184 102,0	135 458,1
2	Қўқон шаҳар	36 403,0	165 802,0	129 398,6
3	Қувасой шаҳар	16 547,0	61 413,0	44 865,3
4	Марғилон шаҳар	29 196,0	144 905,0	115 709,1
5	Олтиариқ тумани	19 800,0	105 495,0	85 695,3
6	Богдод тумани	20 155,0	105 745,0	85 589,9
7	Бувайда тумани	19 671,0	112 388,0	92 717,0
8	Бешариқ тумани	20 101,0	108 828,0	88 726,9
9	Қува тумани	26 561,0	130 003,0	103 442,1
10	Учкўприк тумани	18 990,0	105 585,0	86 596,0
11	Риштон тумани	20 073,0	107 750,0	87 676,5
12	Сўх тумани	10 346,0	50 832,0	40 485,9
13	Тошлоқ тумани	18 459,0	93 603,0	75 143,7
14	Ўзбекистон т-ни	22 576,0	118 710,0	96 133,8
15	Фарғона тумани	23 244,0	109 413,0	86 169,3
16	Данғара тумани	17 550,0	94 098,0	76 547,5
17	Фурқат тумани	12 709,0	66 062,0	53 353,6
18	Ёзёвон тумани	14 389,0	69 689,0	55 299,3
19	Қўштепа тумани	17 124,0	95 517,0	78 392,9
20	Вилоят бюджети	1 175 441,0	591 326,0	-584 113,8
<b>Вилоят бўйича жами</b>		<b>1 587 979,0</b>	<b>2 621 266,0</b>	<b>1 033 287,0</b>

Изоҳ: \* Республика бюджети ва вилоят маҳаллий бюджетидан таълим ва тиббиёт соҳаси муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатларини ўз вақтида молиялаштириш учун шаҳар ва туманлар бюджетларига ўтказиб бериладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар;

Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган шаҳарлар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари ва айни шу солиқлардан вилоят бюджетига ажратмаларнинг меъёрлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинмаган фонд солиғи				Савдо ва умумий оқитилган қорғонвлари учун ягона солиқ тўловдан давлат бюджетига ажратмалар				Ягона солиқ тўловдан давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича				Жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи				Қўшилган қиймет солиғи				Суғ ресурслардан фойдаланмалик учун солиқ			
		Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига	
1	Фарғона шаҳри	0%	85%	15%	6%	94%	0%	5%	95%	0%	10%	90%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
2	Кўжон шаҳри	0%	85%	15%	15%	85%	0%	16%	84%	0%	0%	100%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
3	Кувасой шаҳри	0%	85%	15%	23%	77%	0%	40%	60%	0%	25%	75%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
4	Маргилон шаҳри	0%	85%	15%	0%	100%	0%	0%	100%	0%	0%	100%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
5	Олтинрик тумани	0%	85%	15%	19%	81%	0%	25%	75%	0%	20%	80%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
6	Балғод тумани	0%	85%	15%	70%	30%	0%	60%	40%	0%	42%	58%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
7	Бувайда тумани	0%	85%	15%	50%	50%	0%	50%	50%	0%	40%	60%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
8	Бешарик тумани	0%	85%	15%	65%	35%	0%	60%	40%	0%	45%	55%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
9	Қува тумани	0%	85%	15%	43%	67%	0%	36%	64%	0%	30%	70%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
10	Учкуйрик тумани	0%	85%	15%	20%	80%	0%	40%	60%	0%	15%	85%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
11	Риштон тумани	0%	85%	15%	40%	60%	0%	50%	50%	0%	35%	65%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
12	Сўх тумани	0%	85%	15%	100%	0%	0%	100%	0%	0%	100%	0%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
13	Тошлоқ тумани	0%	85%	15%	20%	80%	0%	20%	80%	0%	15%	85%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
14	Ўзбекистон тумани	0%	85%	15%	40%	60%	0%	40%	60%	0%	50%	50%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
15	Фарғона тумани	0%	85%	15%	40%	60%	0%	40%	60%	0%	20%	80%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
16	Данғара тумани	0%	85%	15%	25%	75%	0%	20%	80%	0%	41%	59%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
17	Фурқат тумани	0%	85%	15%	100%	0%	0%	100%	0%	0%	77%	23%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
18	Ёлеғон тумани	0%	85%	15%	100%	0%	0%	93%	7%	0%	55%	45%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	
19	Қўشета тумани	0%	85%	15%	80%	20%	0%	80%	20%	0%	20%	80%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	21%	79%	0%	0%	100%	0%	



Вилоят ҳокимининг  
" \_\_\_ " \_\_\_ 2017 йилдаги  
\_\_\_ - сонли қарорига  
-илова

**Фарғона вилояти вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг  
2018 йилги захира жамғармаси миқдорлари**

млн.сўм

№	Шаҳар ва туманлар номи	Захира жамғармаси миқдори
1	Фарғона шаҳар	1 822,8
2	Қўқон шаҳар	1 641,6
3	Қувасой шаҳар	608,0
4	Марғилон шаҳар	1 434,7
5	Олтиариқ тумани	1 044,5
6	Боғдод тумани	1 047,0
7	Бувайда тумани	1 112,7
8	Бешариқ тумани	1 077,5
9	Қува тумани	1 287,2
10	Учкўприк тумани	1 045,4
11	Риштон тумани	1 066,8
12	Сўх тумани	503,3
13	Тошлоқ тумани	926,8
14	Ўзбекистон т-ни	1 175,3
15	Фарғона тумани	1 083,3
16	Данғара тумани	931,7
17	Фурқат тумани	654,1
18	Ёзёвон тумани	690,0
19	Кўштепа тумани	945,7
20	Вилоят бюджети	5 854,7
<b>Вилоят бўйича жами</b>		<b>25 953,1</b>

Вилоят ҳокимининг  
"\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2017 йилдаги  
\_\_\_\_\_ - сонли қарорига  
-илова

**Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилга мўлжалланган вилоят  
бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл  
қўйиладиган энг кам  
МИҚДОРЛАРИ**

млн сўм

№	Шаҳар ва туманлар номи	Айланма касса маблағи
1	Фарғона шаҳар	704
2	Қўқон шаҳар	680
3	Қувасой шаҳар	228
4	Маргилон шаҳар	502
5	Олтиариқ тумани	378
6	Боғдод тумани	379
7	Бувайда тумани	434
8	Бешариқ тумани	416
9	Қува тумани	478
10	Учқўприк тумани	379
11	Риштон тумани	413
12	Сўх тумани	134
13	Тошлоқ тумани	445
14	Ўзбекистон т-ни	498
15	Фарғона тумани	490
16	Данғара тумани	347
17	Фурқат тумани	218
18	Ёзёвон тумани	222
19	Қўштепа тумани	327
20	Вилоят бюджети	14 250
<b>Вилоят бўйича жами</b>		<b>21 922</b>

Вилоят ҳокимининг  
 " " " 2017 йилдаги  
 - сонли қарорига  
 -илова

**Фарғона вилоят маҳаллий бюджетининг 2017 йилги қутилаётган ижроси даромадлари ва молия йили давомида киритилган ўзгаришлар билан бирга харажатларининг аниқлаштирилган режаси\***

№	Шаҳар ва туманлар ном	Даромадлар			Харажатлар		
		Тасдиқланган режа	Киритилган ўзгариш	Аниқланган режа	Тасдиқланган режа	Киритилган ўзгариш	Аниқланган режа
1	Фарғона шаҳар	152642	22245	174 887	152 642	4 509	157 151
2	Кўкон шаҳар	145509	3203	148 712	145 509	-544	144 965
3	Қувасой шаҳар	50275	11963	62 238	50 275	1 022	51 297
4	Марғилон шаҳар	123266	-39781	83 485	123 266	3 649	126 916
5	Олтинчи тумани	87374	-43607	43 767	87 374	3 447	90 821
6	Богдоқ тумани	59221	-7803	51 417	86 631	2 414	89 045
7	Бувайда тумани	33297	-1326	31 971	96 596	909	97 504
8	Бешарик тумани	42025	-537	41 488	90 843	2 231	93 074
9	Қува тумани	59106	899	60 004	107 415	3 075	110 490
10	Учкуйрик тумани	88081	-44177	43 904	88 081	3 163	91 243
11	Риштон тумани	47727	5107	52 835	92 919	-16	92 903
12	Сўх тумани	16134	-3582	12 552	41 698	-21	41 678
13	Тошлоқ тумани	48833	17796	66 630	77 294	1 397	78 692
14	Ўзбекистон т-ни	56224	-3189	53 035	97 163	2 813	99 976
15	Фарғона тумани	89878	15043	104 922	89 878	739	90 617
16	Данғара тумани	79406	-22058	57 348	79 406	1 008	80 415
17	Фурқат тумани	24533	-6465	18 068	54 994	2 314	57 309
18	Ёзёвон тумани	30553	-5449	25 104	57 083	2 489	59 572
19	Кўштела тумани	36085	-2265	33 820	78 809	1 400	80 209
20	Вилоят бюджети	880071	-738	879 333	452 362	55 891	508 253
<b>Вилоят бўйича жами</b>		<b>2 150 239</b>	<b>-104720</b>	<b>2 045 520</b>	<b>2 150 239</b>	<b>91 890</b>	<b>2 242 129</b>

Изоҳ: \* Бюджет кодексига асосан белгиланган муддатда амалга оширилмаган яқиний операциялар натижасига кўра 2017 йил учун аниқланган режаларга кўшимча аниқлик киритилиши мумкин.



